

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

№ ВМ – 343 - 5А3406012 – 2.09

«1» ИЮЛЬ 2003 й

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

«8» ИЮЛЬ 2003 й

**ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ
БОЗОРИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 -«Бизнес ва бошқарув»
таълим соҳасидаги 5А3406012 - «Капитал қўйилмаларни
молиялаштириш ва уларнинг мониторинги»
магистратура мутахассислиги учун**

Тузувчи: доц. Бобокулов Т. И.,
к.ўқ. Жабборов А. Т.

Такризчилар: доц. Жўраев А. С.

Инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва чуқурлаштириш — ислохотлар стратегиясининг жуда муҳим шарти бўлиб, у иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилишини, экспорт имкониятларининг кенгайтирилишини, халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишини таъминлаб беради. Ушбу жараёнларда халқаро инвестиция бозорини ўрганиш ва унда маркетинг соҳасини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур фанни ўқитишдан мақсад халқаро инвестиция бозори фаолиятини, унинг таркибий тузилишини, объекти ва субъектларини ҳамда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш механизмини ўргатишдан иборатдир. Фаннинг асосий вазифаси магистрантларга халқаро инвестиция бозорининг моҳиятини, унинг фаолият юритиш механизмини, ҳуқуқий асосларини, Республика инвестиция бозори ҳолатининг таҳлилини, инвестиция бозори конъюктураси истиқболини белгилашни, инвестиция бозорида маркетинг концепциясининг шаклланишини ва мамлакат истиқболини белгиловчи тармоқларда инвестиция бозорининг ўзига хос хусусиятларини ўргатишдан иборат.

Углубление и развитие инвестиционной деятельности, являясь важным условием стратегии реформ, обеспечивают развитие международных экономических отношений, расширение возможностей экспорта, осуществляют структурные преобразования в экономике. В этих процессах изучение международного инвестиционного рынка и развитие маркетинговой деятельности приобретает особую актуальность.

Основной целью данного предмета является изучение деятельности международного инвестиционного рынка, его структуры, объекта и субъектов, механизмов проведения маркетинговых исследований. Основной задачей предмета является изучение магистрами сущности, значения международного инвестиционного рынка и механизмов его функционирования, правовых основ, анализ состояния инвестиционного рынка республики, определение перспективы конъюктуры инвестиционного рынка, формирование маркетинговой концепции на рынке инвестиций и особенностей инвестиционного рынка в перспективных отраслях республики.

The expansion and development of investment activity, is a main condition of reforms strategy, provides the development of international economic relations and the expanse of export possibility, and makes structural reforms in economy. In this process of investigation of

international investment market and of expanse of marketing activity there will be brought in an actuality.

The main aim of this subject is to study the activity of the international investment market, its structure, objects and subjects of investment market and the mechanism providing of marketing investigation. And also the duty of the subject consists, of teaching the masterès on the basis of international investment market and the technics of its functioning, the basics of Laws, the analysis of Republicès investment market standpoint, the determination of investment market condition. the formation of marketing concepts on investment market and the actuality of investment market in Republicès branches.

1. СЎЗ БОШИ

Инвестиция фаолиятини макродаражада самарали ташкил этиш ва ривожлантиришда халқаро инвестиция бозорининг аҳамияти ошиб бормоқда. Чунки инвестицион ресурсларнинг давлатлараро ва минтақалараро ҳаракати ва айланиши, уларнинг самарали ўзлаштирилиши халқаро инвестиция бозори ёрдамида амалга оширилади.

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши
«Халқаро инвестиция бозори» фанини ўқитишдан мақсад магистрантларга халқаро инвестиция бозори фаолиятини, унинг таркибий тузилишини, инвестиция бозорининг объекти ва субъектларини ҳамда маркетинг тадқиқотлари механизмини ўргатишдан иборатдир. Бу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда фаннинг асосий вазифаси магистрантларга халқаро инвестиция бозорининг моҳиятини, унинг фаолият юритиш механизмини, ҳуқуқий асосларини, инвестиция ресурслари ҳаракатини, республика инвестиция бозори ҳолатининг таҳлилини, инвестиция бозори конъюнктураси истиқболини белгилашни, инвестиция бозорида маркетинг концепциясининг шаклланишини ва республика истиқболини белгиловчи тармоқларда инвестиция бозорининг ўзига хос хусусиятларини ўргатишдан иборат.

Мазкур фан "Инвестицион таҳлил", "Халқаро валюта ва ҳисоб операциялари", "Инвестиция лойиҳалари техник ва экспертизаси давлат инвестиция сиёсати", "Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми", "Инвестиция лойиҳалари мониторинга, банкларда ҳисоб ва тўлов тизими" каби фанлар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, магистрантлар улар асосларини ҳам ўзлаштириб олишлари зарур бўлади.

Фан бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида магистрантлар тегишли билимга, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим.

Магистрантлар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда оммавий-ахборот воситалари ёрдамида молиявий қонунчилик соҳасидаги кундалик халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим.

«Халқаро инвестиция бозори» фани бўйича магистрантлар билимлари қуйидаги мавзуларни қамраб олиши лозим:

- халқаро инвестиция бозорининг моҳияти ва аҳамияти;
- халқаро инвестиция бозорининг таркиби ва фаолият юритиш механизми;
- Ўзбекистан Республикаси инвестиция бозорининг тузилиши ва ҳолати;
- халқаро инвестиция бозори таҳлили;
- Ўзбекистонда инвестицияларнинг тармоқлараро таркиби;
- халқаро инвестиция бозори конъюнктураси ва сегментацияси;
- халқаро инвестиция бозорида маркетинг концепциясининг шаклланиш жараёнлари;
- халқаро инвестиция бозорини тавсифловчи асосий элементлар;

Магистрантлар мазкур ўқув фанидан юқорида кўрсатиб ўтилган мавзулар бўйича аниқ тасаввурга эга бўлишлари, билимларини, амалиётда қўллай олишлари ҳамда янгиликларни ўзлаштира билишлари керак. Шунингдек, улар компьютерлардан ва бошқа замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш асосларини ўргатувчи фанларни ҳам ўзлаштиришлари лозим.

Ўқитиш жараёнида назария билан амалиёт бирлигини, магистрантларнинг билим ва илмга бўлган қизиқишини таъминловчи усулларни қўллаган ҳолда уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиб бериш зарур.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича бажариладиган ишлар микдорига минимал талаблар

Ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулоти мавзулари юзасидан магистрантлар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди.

Машғулоти ҳажми бўйича тавсиялар

Фанга жами 120, шу жумладан, 40-маъруза. 40-амалий 40-мустақил таълим соатлари ажратилган.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза, кейин амалий машғулоти ўтказилади. Ўтилган мавзулар бўйича магистрантларнинг мустақил ўрганиши учун алоҳида мавзулар бўйича уй вазифалари берилади. Магистрантларнинг олган билимларини аниқлашнинг турли назорат усуллари қўлланилади.

Талабалар ўзлаштиришини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари микдори

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаси рейтинг тизими бўйича жорий, оралик ва якуний баҳолашда йиғилган баллар асосида белгиланади.

Фан ўқитиладиган ҳар бир семестрда икки маротаба жорий ва оралик баҳолаш ҳамда бир маротаба якуний баҳолаш ("ёзма иш" усулида) ама-лга оширилади. Агар фан бир неча семестр давомида ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар ниҳоясида якуний баҳолаш оғзаки ёки тест усулида амалга оширилиши мумкин. Охириги семестрда эса, якуний баҳолаш фақат "ёзма иш" усулида амалга оширилади.

Замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

Қуйидагилар «Халқаро инвестиция бозори» фанини ўқитишнинг компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланишнинг таркибий қисмлари ҳисобланади:

- ўқув мақсадлари ва вазифалари каталогини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш; -тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан, слайд ва
- компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- - режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш; Магистрантларга замонавий усулда фанни ўргатиш, уларнинг
- мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:
- - магистрантларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;
- магистрантларга билимларини ўзлари баҳолашлари учун шароит яратиб бериш;
- магистрантларнинг билимини таянч иборалари асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш ва ҳ.к.

Бу фанни ўқитишда инвестиция соҳасига тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, инвестиция дастури, низомлар ва инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг компьютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан "Халқаро инвестициялар" мутахассислиги бўйича таълим олаётган магистрантларга учинчи семестрда ўқилишга мўлжалланган. Бу фанни ўқитишда халқаро инвестиция фаолиятига доир қонунлар, ҳукумат қарорлари, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва кенгайтириш билан боғлиқ бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, компьютер дастурларидан ҳамда сайтлардан фойдаланиш лозим.

«Халқаро инвестиция бозори» фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Магистрантларнинг ўқув жараёнида олган билимларини ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг тизими асосида баҳолаш тавсия этилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

«Халқаро инвестиция бозори» фани бўйича ўқиладиган маъруза машғулотлари мавзулари:

Фаннинг предмети ва мазмуни. Халқаро инвестиция бозорининг моҳияти ва аҳамияти

«Халқаро инвестиция бозори» фанининг предмети ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти. Халқаро инвестиция бозорининг молиялаштириш, тартибга солиш ва ривожлантиришнинг умумназарий ва ҳуқуқий асослари. Лойиҳаларни амалга оширишда халқаро инвестиция бозорининг аҳамияти. Жаҳон инвестиция бозори. Халқаро инвестиция бозоридаги асосий тенденциялар. Ўзбекистонда инвестиция бозорининг ўзига хос хусусиятлари.

Халқаро инвестиция бозорининг инфратузилмаси ва унинг фаолият юритиш механизми

Инвестицией жараён. Халқаро инвестиция бозори фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи органлар. Инвестицияни етказиб берувчилар. Инвестиция фондлари. Инфратузилма институтлари. Молиявий бозор. Яқка тартибдаги инвесторлар, институционал инвесторлар. *Халқаро портфелли инвестициялар. Халқаро тўери инвестициялар.*

Инвестиция бозори субъектлари

Асосий инвесторлар. Хорижий ва маҳаллий инвесторлар. Мувофиқлаштирувчи органлар ва уларнинг функционал фаолияти. Инвестиция ресурслари бозори. Ташқи инвестициялар. Ички инвестициялар. Инвестицияларнинг асосий истеъмолчилари. Давлат сектори. Корпоратив тузилмалар. *Инвестицион ресурслар таклифидаги ўзгаришлар.*

Халқаро инвестиция бозорининг ҳолати

Халқаро инвестицион бозорининг ҳолатига умумий тавсиф. Бевосита капитал қўйилмалар бозори. Хусусийлаштирувчи объектлар бозори. Ҳаракатда бўлмаган мол-мулклар бозори. Реал инвестициялашнинг бошқа объектлари бозори. Фонд бозори. Пул бозори. *Инвестициялар бозорига таъсир этувчи омиллар.* Инвестиция бозорининг асосий элементлари (талаб, таклиф, нарх ва рақобат). Халқаро инвестиция бозори конъюктурасининг истиқболлини белгилаш *Инвестиция бозори конъюктурасининг истиқболлини белгилаш услублари.* Инвестиция бозори конъюктураси босқичлари: юксалиш, инвестиция товарларига талабнинг кескин ўсиши. пасайиш тенденцияси, кризис ҳолати.

Халқаро инвестиция бозорида маркетинг концепцияси

Халқаро инвестициялар бозори маркетингининг моҳияти ва асосий концепциялари. Маркетинг тадқиқотларининг дастлабки босқичи. Маркетинг стратегияси. Маркетинг тадқиқотлари усуллари. Маркетинг ўтказиш механизми. Маркетинг концепциясининг шаклланиш босқичлари. Маркетинг воситалари орқали чекланган инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш. *Маркетингни ташкил этиш тамойиллари*

Халқаро инвестиция бозорида маркетингни тавсифловчи асосий элементлар

Маркетинг тадқиқотлари. Бизнес фалсафаси. Маркетинг воситалари. *Маркетинг режаси*. Маркетинг жараёни. *Инвестиция ресурслари бозорида маркетинг*. *Маркетинг тафаккури: кузатиш, моделлаштириш, тажриба, назария, амалиёт, яқуний вазиятни кузатиш*.

Халқаро инвестиция бозори ҳолатини баҳолашда маркетинг тадқиқотлари

Инвестиция лойиҳалари ва маркетинг. Инвестиция лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар маркетинги. Маркетинг концепцияси. Инвестициялашнинг муқобил вариантлари. Хом-ашёлар маркетинги. Инвестиция бозори ҳолатини баҳолашда маркетинг хизмати кўрсатувчи фирмаларнинг роли. Маҳсулотлар бозори таҳлили. Маҳсулотларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш. Бозорда нархларни шаклланиши. Жаҳон бозори нархлари. Истиқболли нархлар. Маркетинг тадқиқотлари бўйича инвестициялашга дойр қарорлар қабул қилиш. *Маркетинг хулосаларини тайёрлаш*.

Халқаро инвестиция бозорида корхоналарнинг фаол маркетинг сиёсатини шакллантириш механизми

Кўшма корхоналарда маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва самарали маркетинг дастурларини яратиш. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегияси. Хом-ашёлар маркетинги. Маҳсулотни экспортга йўналтириш. Жаҳон бозорини ўрганиш. Талаб ва таклиф асосида нархларни белгилаш. *Маслаҳат маркетинг хизматларидан фойдаланиш*.

Халқаро инвестиция бозорининг ривожланиш истиқболлари ва маркетинг концепциясини такомиллаштириш

Халқаро инвестиция бозорининг истиқболлари. Халқаро инвестиция бозорида маркетингни такомиллаштириш. Халқаро инвестиция бозорида замонавий маркетинг тадқиқотлари тизимини барпо этиш ва ривожлантириш. Маркетингни иқтисодий самарадорлигини ошириш. Маркетинг ва консалтинг фирмаларини жалб этиш. *Тармок корхоналарининг чет эл инвесторлари билан ўзаро ҳамкорлиги*.

3. АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

Халқаро инвестиция бозорининг моҳияти ва аҳамияти

Инвестициялар ва инвестиция фаолияти. Лойиҳаларни амалга оширишда халқаро инвестиция бозорининг аҳамияти. Жаҳон инвестиция бозори. Халқаро инвестиция бозоридаги асосий тенденциялари. Ўзбекистонда инвестиция бозорининг ўзига хос хусусиятлари.

Халқаро инвестиция бозорининг инфратузилмаси ва унинг фаолият юритиш механизми

Инвестицион жараён. Халқаро инвестиция бозори фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва назорат этувчи органлар. Инвестицияни етказиб берувчилар. Инвестиция фондлари. Инфратузилма институтлари. Молиявий бозор. Яқка тартибдаги инвесторлар, институтчионал инвесторлар. Халқаро портфелли инвестициялар. Халқаро тўғри инвестициялар.

Инвестиция бозори иштирокчилари

Асосий инвесторлар. Хорижий ва маҳаллий инвесторлар. Мувофиқлаштирувчи органлар ва уларнинг функционал фаолияти. Инвестиция ресурслари бозори. Ташқи инвестициялар. Ички инвестициялар. Инвестицияларнинг асосий истеъмолчилари. Давлат сектори. Корпоратив тузилмалар. Инвестицион ресурслар таклифидаги ўзгаришлар.

Халқаро инвестиция бозорининг ҳолати

Халқаро инвестицион бозорнинг ҳолатига умумий тавсиф. Кевосита капитал қўйилмалар бозори. Хусусийлаштирувчи объектлар бозори. Харакатда бўлмаган мол-мулклар бозори. Реал инвестициялашнинг бошқа объектлари бозори. Фонд бозори. Пул бозори. Инвестициялар бозорига таъсир этувчи омиллар. Инвестиция бозорининг асосий элементлари (талаб, таклиф, нарх ва рақобат).

Халқаро инвестиция бозори конъюктурасининг истиқболлини белгилаш

Халқаро инвестиция бозори конъюктурасининг истиқболлини белгилаш услублари. Халқаро инвестиция бозори конъюктураси бошқичлари: юксалиш, инвестиция товарларига талабнинг кескин ўсиши, пасайиш тенденцияси, кризис ҳолати.

Халқаро инвестиция бозорида маркетинг концепциясининг шаклланиш жараёни

Халқаро инвестициялар бозори маркетингининг моҳияти ва асосий концепциялари. Маркетинг тадқиқотларининг дастлабки бошқичи. Маркетинг стратегияси. Маркетинг тадқиқотлари усуллари. Маркетинг ўтказиш механизми. Маркетинг концепциясининг шаклланиш бошқичлари. Маркетинг воситалари орқали чекланган инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш. Маркетингни ташкил этиш тамойиллари.

Халқаро инвестиция бозорида маркетингни тавсифловчи асосий элементлар

Маркетинг тадқиқотлари. Бизнес фалсафаси. Маркетинг воситалари. Маркетинг режаси. Маркетинг жараёни. Инвестиция ресурслари бозорида маркетинг. Маркетинг тафаккури: кузатиш, моделлаштириш, тажриба, назария, амалиёт, яқуний вазиятни кузатиш.

Халқаро инвестиция бозори ҳолатини баҳолашда маркетинг тадқиқотлари

Инвестиция лойиҳалари ва маркетинг. Инвестиция лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар маркетинги. Маркетинг концепцияси. Инвестициялашнинг муқобил вариантлари. Хом-ашёлар маркетинги. Инвестиция бозори ҳолатини баҳолашда маркетинг хизмати кўрсатувчи фирмаларнинг роли. Маҳсулотлар бозори таҳлили. Маҳсулотларга бўлган талаб ва таклифни ўрганиш. Бозорда нархларни шаклланиши. Жаҳон бозори нархлари. Истиқболли нархлар.

Маркетинг тадқиқотлари бўйича инвестициялашга дойр қарорлар қабул қилиш.
Маркетинг хулосаларини тайёрлаш.

Халқаро инвестиция бозорида корхоналарнинг фаол маркетинг сиеёсатини шакллантириш механизми

Қўшма корхоналарда маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва самарали маркетинг дастурларини яратиш. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш стратегияси. Хом-ашёлар маркетинги. Маҳсулотни экспортга йўналтириш. Жаҳон бозорини ўрганиш. Талаб ва таклиф асосида нархларни белгилаш. Маслаҳат маркетинг хизматларидан фойдаланиш.

Халқаро инвестиция бозорининг ривожланиш истиқболлари ва маркетинг конценциясини такомиллаштириш масалалари

Халқаро инвестиция бозорининг истиқболлари. Халқаро инвестиция бозорида маркетингни такомиллаштириш. Халқаро инвестиция бозорида замонавий маркетинг тадқиқотлари тизимини барпо этиш ва ривожлантириш. Маркетингни иқтисодий самарадорлигини ошириш. Маркетинг ва консалтинг фирмаларини жало этиш. Тармоқ корхоналарининг чет эл инвесторлари билан ўзаро ҳамкорлиги.

Курс иши мавзулари рўйхати

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда халқаро инвестиция бозорининг аҳамияти;

- Халқаро инвестиция бозорининг таркибий тузилиши ва унинг фаолият юритиш механизми;
- Халқаро инвестиция бозори иштирокчилари;
- Халқаро инвестиция бозори ҳолатининг таҳлили;
- Халқаро инвестиция бозорида маркетинг тадқиқотлари;
- Ўзбекистан инвестиция бозорининг фаолият юритиш механизми;
- Халқаро инвестиция бозорини ривожлантириш истиқболлари;
- Халқаро инвестиция бозори инфратузилмаси;
- Халқаро инвестиция бозори конъюнктураси босқичлари;
- Халқаро инвестиция бозорида маркетинг хизматларини такомиллаштириш масалалари;
- Халқаро инвестиция бозорини тартибга солувчи органлар фаолияти;
- Халқаро инвестиция бозори орқали инвестицияларнинг минтақалар ва давлатлар ўртасида тақсимланиши;
- Халқаро инвестиция бозорида молиявий активлар ҳаракати;
- Тадбиркорларни халқаро инвестиция бозори орқали қарз капитали ҳисобига молиялаштириш;
- Халқаро инвестиция бозори фаолиятида молиявий институтларнинг ўрни;
- Халқаро инвестиция бозорида инвестицион институтлар.
- Ўзбекистан Республикаси инвестиция бозорининг замонавий ҳолати таҳлили;
- Халқаро инвестиция бозорига таъсир этувчи омиллар;
- Халқаро инвестиция бозорининг асосий элементлари (талаб, таклиф, баҳо ва рақобат);
- Инвестиция бозорида маркетинг концепциясининг шаклланиш жараёни;
- Инвестиция бозорида маркетингни тавсифловчи асосий элементлар;
- Маркетинг тадқиқотларининг услублари ва концепцияси;

- Инвестициялар бозори маркетингинг моҳияти, роли, асосий йўналишлари.

4. Тавсия этиластган мавзулар бўйича кўргазма-намойиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материаллар рўйхати

Таълим жараёнида кўргазмалар воситалардан, слайдлар ва жадваллардан фойдаланиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилади.

"Халқаро инвестиция бозори" фанини ўрганишда магистрантлар амалий ёрдам тариқасида инвестиция бозорининг умумий тузилишини ўрганиш бўйича чизмалар, слайдлар билан таъминланади.

Магистрантлар "Халқаро инвестиция бозори" фанини ўрганишда турли ахборот воситаларидан, шу жумладан Интернет тизимидаги қуйидаги сайт ва электрон почталардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. <http://www.miga.org/>
2. <http://www.frtib.gov/>
3. <http://www.worldbank.org/icsid>
4. <http://www.ici.org/>
5. <http://www.aimr.org/>
6. <http://www.nasbic.org>
7. <http://www.bankofamerica.com/investments/>
8. <http://energyirends.pnl.gov>
9. <http://www.calvertfoundation.org/>
10. <http://www.optionetics.com/>
11. <http://invest-faq.com/>
12. <http://www.oakinv.com/>
13. <http://www.hondurasinfo.hn/>
14. <http://farmbill.farmbill.unl.edu/>
15. <http://www.eagleinvsys.com/>

Шунингдек, магистрантлар Республикамизда чоп этиладиган газета ва журналлардан мутахассислигига тегишли маълумотлардан фойдаланишлари, Хорижий инвестициялар бўйича Агентлик, Ташқи иқтисодий фаолият МБ, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедик иловалардан фойдаланиш тавсия этилади.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрантларни ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ҳамда жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш орқали амалга оширилади. Жорий ва оралиқ баҳолашга ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоизи миқдорида белгиланган

"Халқаро инвестиция бозори" фанидан магистрант тўплаши мумкин бўлган максимал балл 80 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 28, оралиқ баҳолашга 28 ва якуний баҳолашга 24 балл ажратилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги мезонлар асосида қўйилади:

- магистрантнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмалар қуроллар тайёрлаши.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини яқуний баҳолаш босқичида "ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар куйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади.

86 - 100 фоизгача (68,8 баллдан 80 баллгача) "аъло";
 71 - 85 фоизгача (56,8 баллдан 68,7 баллгача) "яхши";
 55 - 70 фоизгача (44 баллдан 56,7 баллгача) "қониқарли";
 55 фоиздан кам (0 дан 43,9 баллгача) "қониқарсиз".

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистан Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида» ги Қонуни, 1998Й. 24 декабрь. //Халқ сўзи, 1999. 12 январь.
2. Ўзбекистан Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ги Қонуни, 1998Й. 30 апрель. //Халқ сўзи, 1999. 12 январь. 7 - сон.
3. Ўзбекистан Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» ги Қонун. 1998. 30 апрел. //Солиқ ва божхона хабарлари, 1998Й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистан, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистан XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистан, 1995.
6. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2003Й. 15 февраль.
7. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О мерах по совершенствованию механизма реализации проектов с иностранными инвестициями», от 9 февраля 1998 года, Финансовое законодательство Республики Ўзбекистан №3, 1998.
8. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О частичном изменении Указа от 30 ноября 1996 года «О дополнительных стимулах и льготах, предоставляемых предприятиям с иностранными инвестициями» от 27 марта 1998 года. //Налоговые и таможенные вести №14, 1998. 2-8 апреля.
9. Абдуллаева Ш. З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: Молия, 2000.
10. Абдуллаева Ш. З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия. 2002.
11. Ангелиди Н.Г., Каримов Н.Г. Анализ инвестиционных проектов: Учебное пособие - Т.: ТМИ, 2000.
12. Абрютин М. С, Грачева А. В. Анализ финансово - экономической деятельности предприятий: - М.: Дело и Сервис, 2001.
13. Банковское дело. Словарь: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 2001.
14. Банковские операции. Часть-2, Учетно-ссудные операции и агентские услуги банков. Под ред. О. И. Лаврушина. - М.: ИНФРА-М, 1996.

15. Бизнес-план инвестиционного проекта: Отечественный и зарубежный опыт. Современная практика и документация: Учеб. пособие. - М.: Финансы и статистика, 2002.
16. Богатин Ю. В., Швандар В. А. Инвестиционный анализ. Учебное пособие для вузов - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. - 286 с.
17. Бочарев В. В., Попова Р. Г. Финансово-кредитный механизм регулирования инвестиционной деятельности предприятий. Учеб. пос. - СПб.: УЭФ, 1993.
18. Бочарев В. В. Управление инвестиционным портфелем. Учеб. пос. - СПб.: УЭФ, 1997.
19. Бочарев В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. -М.: Финансы и статистика, 1998.
20. Бизнес-план. Методические материалы. /Под ред. Н.А. Колесниковой, А.Д. Миронова. — М.: Финансы тл статистика, 2002.
21. Беренц В., Хавранек П.М. Руководство по оценке
22. эффективности инвестиций: — М.: «ИНФРА-М», 1995.
23. Вахобов А. В., Иброхимов А. Т. Молиявий таҳлил: Дарслик.
24. Т.: Шарк, 2002.
25. Васильев Н. М., Катырин С. Н., Лепе Л. Н. Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства. - М.: ДЕКА, 1999.
26. Вахрин П. И. Инвестиции: Учебник. — М.: Издательско-торговая корпорация Дашков и К, 2002.
27. Волков И.М., Грачева М.В. Проектный анализ: Учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ, 1998.
28. Газибеков Д. Г., Собиров О. Ш. Лизинг и его развитие в Ўзбекистане. - Т.: Молия, 2001.
29. Кольтынюк Б.А. Инвестиционное проектирование объектов социально-культурной среды: Учеб. - С-Пб.: Изд-во Михайлова В.А., 2000.
30. Ковалев В. В. Методы оценки инвестиционных проектов. - М.: Финансы и статистика, 2002.
31. Мазур И. И., Шапиро В. Д., Ольдерогге Н. Г. Управление проектами: Учеб. пособие для вузов / Под общ. ред. И. И. Мазура. М.: Экономика, 2001.
32. Фабочи Ф. Управление инвестициями: Пер. с англ. — М.: ИНФРА-М, 2000.
33. Щарп У., Александр Г., Дж. Бейли Инвестиции. Пер. с англ. - М.: ИНФРА, 1997.
34. Беренс В, Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций. - М.: ИНФРА - М, 1995.
35. Виноградова Т.Н. Банковские операции: Учебное пособие. - Ростов н/Д: Феникс, 2001.
36. Гусева И.А. Практикум по рынку ценных бумаг. - М.: Юристъ, 2000.
37. Котлер Ф. Основы маркетинга. Пер. с нем., -М., 1996.
38. Классика маркетинга /составители Энис Б.М., Кокс К. Т., Моква И.П.- СПб: Питер, 2001.
39. Теория и практика антикризисного управления/Под ред. С.Г. Беляева, В.И. Кошкина - М.: Закон и право, ЮНИТИ, 1996.
40. Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности. - М.: Финансы и статистика, 1996.
41. Деньги, кредит, банки: Учебник / Под ред. О.И. Лаврушина. М.: Финансы и статистика, 2002.
42. Ендовицкий ДА. Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности: методология и практика. /Под ред. Л.Т. Гиляровский. - М.: Финансы и статистика, 2001.

43. Шеремет А.Д. Финансовый анализ в коммерческом банке / А. Шеремет, Г.Н. Щербанова. - М.: Финансы и статистика, 2002.

Қўшимча адабиётлар

1. Богуславский М,М. Иностранные инвестиции: правовое регулирование. - М.: БЕК, 1996.
 2. Гитман Л. Дж, Джонк М.Д. Основы инвестирования. Пер. с англ. - М.: Дело, 1997.
 3. Конкуренция и управление рисками на предприятиях в условиях рынка .-М.: Алане, 1997.
 4. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов -М.: Финансы и статистика, 1998.
 5. Курс экономики: Учебник/ Под ред. Б.А. Райзберга. -М.: ИНФРА-М, 1997.
 6. Финансы и управление предприятием/ Под ред. А.М. Ковалевой. - М.: Финансы и статистика, 1995.
 7. Шим Джей К., Сигел Джоел Г. Финансовый менеджмент/Пер, с англ. -М.: Филинь, 1996.
 8. Финансовый менеджмент: теория и практика: Учеб. /Под ред. ЕС. Стояновой. - М.:Преспектива, 1996.
 9. Инвестиционно - финансовый портфель/отв. ред. Рубин Ю.Б., Солдаткин В. И. - М: СоминТЭК, 1993.
- Шохаъзамий Ш.Ш. и др. Предприниматель на рынке ценных бумаг: Вопросы и ответы. - Т.: Адолат, 2002.